XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 6 - iyun VI-33-84-5-0-K/22 Navoiy viloyat hokimligi

Қизилтепа туманидаги айрим аҳоли пунктларининг номларини ўзгартириш ва Томди туманидаги айрим аҳоли пунктларини тугатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси ва “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарорига мувофиқ Қизилтепа тумани географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссияси томонидан ўз ҳудудидаги айрим аҳоли пунктларининг номларини ўзгартириш тўғрисидаги ҳамда Томди тумани географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссияси томонидан ўз ҳудудларидаги айрим аҳоли пунктларини тугатишга оид тақдим этилган таклифларни муҳокама қилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича Қизилтепа туман комиссиясининг 7 та: “Эмакти”, “Тотиён”, “Чоргов”, “Махоки”, “Добашиён”, “Қарноб”, “Лўблахўр” аҳоли пунктлари номини қайта номлаш бўйича ва Томди тумани географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиясининг 7 та: “Ақтов” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Тоғизбой”, “Сукетти” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Таспен”, “Жақау”, “Кериз” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Тобиқти”, “Керегетов” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Бегимбет”, “Шиели” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Модаман” ва “Жанаталап” овул аҳоли пунктларини (кейинги ўринларда – географик объектлар) тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қизилтепа туманидаги номлари ўзгартириладиган айрим географик объектлар рўйхати 1-иловага, Томди туманидаги тугатилаётган айрим географик объектлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят статистика бошқармаси (А.Тошназаров), Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Д.Нишонов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (О.Минглиев), мутасадди ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари мазкур қарорга мувофиқ Қизилтепа ва Томди туманларидаги айрим номлари ўзгартириладиган ҳамда тугатиладиган географик объектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Тасбаев) номлари ўзгарадиган географик объектлардаги йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Қизилтепа тумани (У.Файзиев), Томди тумани (Қ.Алдабергенов) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Д.Нишонов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (А.Холмуминов) билан ҳамкорликда номлари ўзгартириладиган географик объектларни янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари (Я.Душанов) ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (С.Базарова) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Н.Турсунов.**

Xalq deputatlari Navoiy viloyat
Kengashining
2022 yil 6 iyundagi
VI-33-84-5-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қизилтепа туманидаги номлари ўзгартириладиган айрим географик объектлар
РЎЙХАТИ

Т/р	**Географик объектнинг (аҳоли пунктининг) ҳозирги номи**	**Географик объектнинг (аҳоли пунктининг) янги номи**	**Изоҳ**
1.	Эмакти	**Шодиёна**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
2.	Тотиён	**Янгиработ**	Аҳоли пункти номини маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
3.	Чоргов	**Зиёлилар**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
4.	Махоки	**Бинокор**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
5.	Добашиён	**Фаровон ҳаёт**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
6.	Қарноб	**Нурли келажак**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида
7.	Лўблахўр	**Нурлиобод**	Аҳоли пункти номининг маъноси йўқлигини инобатга олиб, нормаллаштириш мақсадида

Xalq deputatlari Navoiy viloyat
Kengashining
2022 yil 6 iyundagi
VI-33-84-5-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Томди туманидаги тугатиладиган айрим географик объектлар РЎЙХАТИ

Т/р	Географик объектнинг тури	Жойлашган ўрин	Географик объектнинг номи	Географик объектнинг тугатилиши бўйича изоҳ
1.	Аҳоли пункти	“Ақтов” ОФЙ	Тоғизбой	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)
2.	Аҳоли пункти	“Сукетти” ОФЙ	Таспен	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)
3.	Аҳоли пункти	“Сукетти” ОФЙ	Жақау	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)
4.	Аҳоли пункти	“Кериз” ОФЙ	Тобиқти	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)
5.	Аҳоли пункти	“Керегетов” ОФЙ	Бегимбет	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)
6.	Аҳоли пункти	“Шиели” ОФЙ	Молдаман	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)
7.	Аҳоли пункти	“Шиели” ОФЙ	Жанаталап	Аҳоли яшамайди. (Аҳолиси бошқа жойларга кўчиб кетган)